

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.09.2018.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛБАРСОВА ХУРШИДАХОН АБДУЛЛАЖОНОВНА

ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК
ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (педагогика фанлари)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2019

Мундарижа

Оглавление

Contents

Юлбарсова Хуршидахон Абдуллажонова

Интегратив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг
коммуникатив компетентлигини шакллантириш технологияси 3

Юлбарсова Хуршидахон Абдуллажонова

Технология формирования коммуникативной компетентности
будущих учителей на основе интегративного подхода..... 21

Yulbarsova Khurshidakhon Abdullajonovna

The technology of formation of future teachers' communicative
competence based on an integrative approach 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.09.2018.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛБАРСОВА ХУРШИДАХОН АБДУЛЛАЖОНОВНА

ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК
ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (педагогика фанлари)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Ped374 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юзликаев Фарит Рафайлович,
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эркабоева Нигора Шерматовна,
педагогика фанлари доктори

Юсупова Шохида Жалолиддиновна,
педагогика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.28.09.2018.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz.)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81.)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Т.Файзуллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

Х.Ё.Нажмиддинова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Н.Ш.Эркабоева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, п.ф.д.

КИРИШ (диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлиликни шакллантиришнинг интерфаол технологияларини ишлаб чиқиш, интегратив таълим муҳитини яратишнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга коммуникатив компетентлиликни шакллантириш асосида бўлажак ўқитувчиларнинг шахсий ва касбий ижтимоийлашувини таъминлашнинг ижтимоий-педагогик механизмларини такомиллаштиришга устувор аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, коммуникатив компетентлиликни шакллантиришнинг лингвистик, социолингвистик ва прагматик компонентларини олий педагогик таълим мазмунига кенг татбиқ этиш, бўлажак ўқитувчиларни самарали мулоқотга тайёрлаш тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёда интегратив таълим (Blended Learning) асосида бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлиликни шакллантириш масаласига доир илмий мунозаралар ва форумларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, таълимнинг коммуникатив моделини такомиллаштириш, талабаларда интерфаол мулоқот кўникмасини шакллантириш жараёнида акмеологик ёндашувнинг ўзига хосликларини аниқлаштириш, коммуникатив ҳамкорликни ташкил этишнинг интерфаол технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда самарали фойдаланиш, олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлиликни шакллантиришнинг дидактик шарт-шароитларини такомиллаштириш, интегратив-фасилитацион таълим муҳитини яратиш орқали касбий фаолиятга коммуникатив йўналганликни таркиб топтириш моделини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Республикамизда бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив қobiliяти ва малакаларини ривожлантириш, педагогик фаолиятга тактик ва стратегик йўналганликни тарбиялаш, аффилиация мотиви асосида талабаларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга устувор йўналиш сифатида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, таълим амалиёти интегратив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлиликни шакллантириш омиллари ва мезонларини аниқлаштириш, концептуал модели ва амалий-технологик тизимини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий қилиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий қилишнинг самарали механизмларини яратиш”¹ каби

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

муҳим вазифалар белгиланди. Бу эса, интегратив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш технологиясини такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3775-сонли Қарорлари, шунингдек, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимларидан Н.Н.Азизхўжаева, У.Ш.Бегимкулов, Р.Х.Жўраев, У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, О.М.Мусурманова, Э.А.Сейтхалилов, Н.М.Эгамбердиева, Ф.Р.Юзликаев, З.Э.Азимоваларнинг илмий изланишларида бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлиқни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик, интеграл-педагогик жиҳатлари тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан Ю.Н.Емельянов, В.А.Кан-Калик, С.Л.Братченко, А.Н.Ивашов, В.Н.Гришина, У.Томас, А.А.Бодалёв, А.И.Донцов, Ю.М.Жуковларнинг тадқиқотларида шахслараро ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш тамойиллари, шахслараро мулоқотнинг ижтимоий-психологик масалалари ёритиб берилган.

Хорижий давлатлар олимлари Дж.Бивин, Дж.А.Грэхем, Дж.Равен, Д.Шонларнинг илмий изланишларида коммуникатив компетентлиқни шакллантиришнинг ижтимоий-маданий, психологик ва лингвистик жиҳатлари очиб берилган.

Коммуникатив компетентлиқ масаласи педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий асосларидан бири сифатида таҳлил этилганлигига қарамасдан, интегратив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетенциялар тизимини шакллантириш технологияси ва дидактик таъминотини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ИТД-1-164 “Кадрлар тайёрлаш сифати ва бандлигини таъминлашда тармоқлараро амалий интеграция фаолияти

мазмунини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” (2012–2014 йй.) номли фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади интегратив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантиришнинг интеграцион омилларини аниқлаштириш;

бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлиликни шакллантириш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаштириш;

бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлиликни шакллантиришнинг концептуал моделини такомиллаштириш;

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлиликни шакллантириш жараёни танлаб олиниб, унда Фарғона давлат университети, Наманган давлат университети, Андижон давлат университетининг жами 472 нафар респондент-талабалари иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлиликни шакллантириш мазмуни, шакл, метод ва воситаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари тадқиқот жараёнида кўзланган мақсадга эришиш ва қўйилган вазифалар ечимини топиш учун бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича кузатиш, материалларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш; социологик сўровнома, жамоавий ва якка тартибдаги суҳбатлар, сўровлар (ёзма ва оғзаки), анкета сўровномаси; педагогик тажриба-синов, эксперт баҳолаш; тажриба-синов натижаларини математик-статистик таҳлил этиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантиришнинг интеграцион омиллари касбий-коммуникатив фаолиятнинг рефлексив шакллари (индивидуал-услубий, интуитив) педагогик имижнинг вербал ва невербал воситалари билан уйғунлаштириш (интеграциялаш, доимий таҳлил қилиш) асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлиликни шакллантириш мезонлари (когнитив, хулқ-атвор, ҳиссий-эмоционал) касбий-коммуникатив вазиятларда барқарор муносабат, самарали мулоқот стратегияларини танлашда интегратив ёндашувнинг қайта алоқага киришиш даражасини ҳисобга олиш асосида ишлаб чиқилган;

бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлиликни шакллантириш концептуал моделининг праксиологик компоненти (самарали мулоқот, маданиятлараро муносабат, фикрий ҳамкечинмалилик) шахсий-

креативликка йўналтирилган тренингларни модификациялаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантиришнинг интегратив технологияси (интеграцион шакл, метод ва воситалари мажмуи) ижтимоий-гуманитар ва умумқасбий фанларга доир ўқув материалларини концентризм тамойили бўйича тизимлаштириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлилик шаклланганлигини баҳолашнинг диагностик аппарати такомиллаштирилган;

педагогика, психология ва социология фанларини ўқитишда интегратив ёндашув асосида коммуникатив компетентлиликни шакллантириш махсус курс дастури ишлаб чиқилган;

аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантиришга йўналтирилган тренинг машғулотлари мажмуи ишлаб чиқилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантиришга қаратилган “Яхшилик” ва “Меҳр зиёси” волонтерлик гуруҳлари фаолиятини ташкил этишга доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи, ўқув фанлари, жамият ва табиат ҳодисаларини таҳлил қилишга тизимли ёндашув) ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республикамиз, чет эллик олимлар, шунингдек, амалиётчи педагогларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жихатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “коммуникатив компетентлилик”, “педагогик маданият”, “коммуникатив компетенция” каби атамалар, “самарали мулоқот”, “шахслараро муносабатлар” каби тушунчаларнинг мазмуни муаллифлик ёндашуви асосида ёритиб берилганлиги, коммуникатив компетентлиликни шакллантиришга хизмат қиладиган методологик ёндашувлар моҳиятининг очиб берилганлиги, коммуникатив компетентлиликни шакллантириш омиллари ва мезонларининг аниқлаштирилганлиги, бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлиликни шакллантириш концептуал модели ва интегратив технологиясининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти педагогика олий таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнига интегратив ёндашувни татбиқ этиш имкониятининг аниқланганлиги, интегратив ёндашувга асосланган муаллифлик махсус курс дастурлари, волонтерлик фаолиятини

ташкил этишга доир тренинг машғулоти мазмунининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялардан, интегратив ёндашув асосида коммуникатив компетентлиликни шакллантириш технологиясидан педагогик фанлар мазмунини такомиллаштиришда, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ҳамда волонтерлик гуруҳларининг касбий тайёргарлигини ошириш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Интегратив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш технологиясига оид тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантиришнинг интеграцион омиллари ва мезонларини аниқлаштиришга доир таклифлардан 5110900 – педагогика ва психология бакалавриат йўналиши Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 21 августдаги 89-03-1412-сон маълумотномаси). Натижада “Педагогика назарияси” ва “Педагогик маҳорат” курсларининг мазмуни коммуникатив компетентлиликни шакллантиришга йўналтирилган назарий ва амалий материаллар билан бойитилган;

бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлиликни шакллантиришнинг концептуал моделини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан № ОТ-Ф-1-100 “Имконияти чекланган болалар ижтимоий-маданий фаолиятининг бадиий-ижодиёт воситалари асосида назарий ва амалий такомиллашуви” (2017–2021 йй.) номли лойиҳаси доирасида ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш тизимини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 15 январдаги 06-15/279-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак ўқитувчиларни ижтимоий-маданий фаолиятга тайёрлашнинг коммуникатив шакллари амалиётга қўллаш самарадорлиги ошган;

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантиришга доир таклиф ва тавсиялардан “Яхшилик” ва “Меҳр зиёси” волонтерлик гуруҳлари фаолиятини ташкил этишда № ОТ-Ф-1-100 “Имконияти чекланган болалар ижтимоий-маданий фаолиятининг бадиий-ижодиёт воситалари асосида назарий ва амалий такомиллашуви” (2017–2021 йй.) номли лойиҳаси доирасида бўлажак мутахассисларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш технологиясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 15 январдаги 06-15/279-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан самарали мулоқотни ташкил этишга доир коммуникатив компетенцияларининг ривожлантириш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этирилган, шулардан, 1 та монография, 1 та услубий кўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 5 таси республика, 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 140 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Касбий тайёргарлик жараёнида бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлиликни шакллантиришнинг назарий-методологик асослари”**, деб номланган биринчи бобида замонавий таълим тизимида касбий коммуникатив компетентлиликнинг моҳияти ва тузилмаси, коммуникатив компетентлилик бўлажак ўқитувчи шахсини шакллантиришнинг зарурий компоненти эканлиги, касбий тайёргарлик жараёнида бўлажак ўқитувчининг коммуникатив компетенциясини шакллантиришнинг интегратив педагогик шарт-шароитлари ва тамойиллари ёритиб берилган.

Маълумки, компетенция атамаси маълум соҳага оид билим, кўникма, малака ва тажрибалар мажмуини англатади. Замонавий илмий-методик адабиётларни таҳлил этиш асосида компетенцияларнинг қуйидаги тавсифи аниқлаштирилди: 1) инсоннинг масъулиятни ўз зиммасига олиши, жамоавий қарорларни ҳамкорликда қабул қилишда иштирок этишга қодирлиги билан боғлиқ ижтимоий компетенциялар; 2) жамият ҳаётини тартибга соладиган, интолерантликнинг намоён бўлишига тўсқинлик қилиш, шунингдек, инсоннинг бошқа маданият, тил ва дин вакиллари билан ҳамжиҳатликда яшашга тайёрлигини ифода этувчи маданиятларо компетенциялар; 3) замонавий ижтимоий ҳаёт ва касбий фаолиятда алоҳида аҳамият касб этувчи оғзаки ва ёзма мулоқот кўникмаларига эғалигини белгилайдиган лингвистик компетенциялар; 4) инновацион технологияларни эғаллаш алоҳида устуворлик касб этадиган ахборотлашган жамиятнинг юзага келиши билан боғлиқ информацион компетенциялар; 5) инсоннинг бутун умри давомида нафақат танлаган касби, балки шахсий ва ижтимоий ҳаётини зарурат сифатида ўз-ўзини ривожлантиришга доир компетенциялар.

Коммуникатив компетенция тушунчаси лингвистик тавсифга эга бўлиб, шахс томонидан тил ва нутқ қоидаларини билиш ва қўллаш асосида шакллантирилган турли коммуникатив ҳодиса ва вазиятлардаги нутқий лаёқатлилик тизимини ифода этади. Мазкур тизим ўзида коммуникатив (гапириш ва тинглаш), ижтимоий ролларни, нутқий стратегия ва тактикаларни, муомала маданиятини ўзлаштиришни акс эттириб, шахснинг турли ижтимоий гуруҳ вакиллари билан хилма-хил вазиятларда алоқада бўлиш усулларини ифода этади. Коммуникатив компетенция мураккаб тузилма сифатида намоён бўлиб, қуйидаги интеграциявий компонентларни ўз ичига олади: предметли

(нутққа оид бўлмаган компетенция); тилга оид (нутқий компетенция); ижтимоий-маданий (ижтимоий муносабатлар соҳасидаги билим ва тажриба, мулоқот психологиясини қамраб олувчи); прагматик (маълум вазиятда – мулоқотнинг сабаблари, йўналиши ва мақсадлари билан бевосита адресант ва нутқ адресати. Коммуникатив компетентлиликни шахснинг ҳилма-хил мотивларига таянган ҳолда алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш мумкин: моддий манфаатдорлик; ижтимоий (ижтимоий муносабатларда мақсадга эришиш); касбий (касбий фаолиятда муваффақиятга эришишга йўналтирилган); маънавий-ахлоқий (маънавий жихатдан ўз-ўзини такомиллаштиришга қаратилган); вазиятли-муаммоли (қандайдир муайян муаммони ҳал қилишга эришиш бўйича масалаларни ечишда амал қиладиган); шахсий (шахснинг ўз-ўзини намоён этиши ва ўз-ўзини ривожлантиришга қаратилган).

Таҳлил натижалари асосида коммуникатив компетентлилик – бўлажак ўқитувчиларнинг касбий мулоқотга тайёрлиги, коммуникатив компетенциялар, шунингдек, мулоқотга киришувчанлик, рефлексия ва эмпатия каби шахсий сифатлари тизимидир, деган хулосага келинди. Коммуникатив компетентлилик ўзида когнитив, эмоционал ва хулқ-атворга оид компонентларни акс эттириши аниқланди.

Коммуникатив компетенцияларни шакллантириш жараёни қатор интегратив педагогик шарт-шароитларни талаб этади: замонавий ахборот-таълим муҳитининг мавжудлиги; коммуникатив компетентлиликни ривожлантиришнинг касбий йўналганлигини аниқлаштириш; педагогик туркум фанларини шахснинг инсонпарвар-коммуникатив сифатларини ривожлантиришга йўналтириш; бўлажак ўқитувчиларнинг ўз-ўзида коммуникатив сифатларни шакллантиришини рағбатлантириш; коммуникатив мулоқотнинг асоси сифатида ўқитувчининг талабалар билан муносабатлари меъёрларини белгилаш; ўқув жараёнида шахсга йўналтирилган конструктив таълим технологияларини кенг жорий этиш.

Тадқиқот жараёнида ўқитувчи билан талабалар ўртасидаги муносабатларни инсонпарварлаштиришнинг қуйидаги хусусиятлари аниқлаштирилди: педагог ва талабаларнинг мулоқотда ташаббус ва мустақилликни намоён этиши, ҳар қандай вазиятга юқори-ҳиссий эмоционал муносабатни намоён этиши; ўзаро муносабатлардан қониқиш ҳисси; таълим субъектларининг ўз имкониятларига ишониши; ўзаро ҳамкорликдаги ҳайрихоҳлик ва такт; ўзаро ишонч; муносабатларнинг шахсий аҳамиятининг англандирилиши шароитида ўзаро ҳамкорлик тактикаси; ўз фикр ва туйғуларини эркин ифода этиш; мулоқотмандлик; ўзаро ҳамкорликдаги ишбоп ўйинлар ва ҳазил-мутойибадан кенг фойдаланиш. Коммуникатив таълимнинг умумдидактик тамойиллари, шунингдек, тарбияловчи таълим жараёнига эришиш касбий компетенцияларни шакллантириш билан назарий тайёргарликнинг уйғунлигини таъминлашга йўналтирилиши лозим. Интегратив тамойилларга коммуникатив компетенцияларнинг касбий жихатдан мақсадга мувофиқлиги; касбга йўналтирилган машқларнинг кўпфункционаллиги; касбий-педагогик соҳанинг функционаллиги; таълимда касбий-коммуникатив вазиятнинг етакчилик роли; талабалар коммуникатив ва методик тайёргарлигининг фанлараро алоқадорлиги; тала-

баларнинг касбий-коммуникатив компетенцияларни ўзлаштириши бўйича аудитория ва аудиториядан ташқари фаолият шакллари интеграциялаш кабиларни киритиш мумкин.

Коммуникатив компетентлиликнинг интеграцион-тузилмали компонентларига коммуникатив мулоқот вазиятини баҳолаш ва идрок этиш (перцептив компонент), коммуникатив мулоқот жараёнида ўз хулқ-атворини таҳлил этиш ва ўз-ўзини баҳолаш (рефлексив компонент), шахслараро коммуникация учун мақбул воситаларни танлаш, мулоқот жараёнини бошқариш ва инсоннинг хулқ-атворини тартибга солиш (хулқ-атвор компоненти)дан иборат. Вербал коммуникацияда нуткий воситалардан, новербал коммуникацияда эса нолисоний белги ва рамзлардан фойдаланилади. Шахслараро мулоқотнинг ҳамма турларида компетентлилик учта асосий – коммуникатив, интерфаол ва перцептив даражага эришишни кўзда тутди.

Тадқиқот натижасида коммуникатив компетентлиликнинг қуйидаги хусусиятлари аниқлаштирилди: а) унинг асосида мулоқот содир бўладиган коммуникатив вазиятни ижтимоий-психологик таҳлил қилиш; б) мулоқот жараёнининг ўзини ижтимоий-психологик дастурлаштириш, бунда коммуникатив вазиятнинг ўзига хослигига асосий эътибор қаратилади; в) коммуникатив вазиятда мулоқот жараёнларини ижтимоий-психологик бошқаришни амалга ошириш.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлиликни шакллантиришнинг интегртив йўллари”**, деб номланган иккинчи бобида малакавий педагогик амалиёт жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлилигини шакллантиришнинг ахлоқий-эстетик жиҳатлари, бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлилигини шакллантиришнинг интеграцион мезонлари ва даражалари, инновацион таълим муҳити шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлилигини шакллантиришнинг интеграцион модели масалалари ёритиб берилган.

Педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари талабаларининг коммуникатив компетентлилигини шакллантиришга оид турли педагогик технологиялар мазмунини таҳлил этиш, энг аввало, талабаларни этикет қоидаларига ўргатишни талаб қилади, чунки инсоният томонидан яратилган ушбу хулқ-атвор қоидаларининг асосида барча инсонларга нисбатан ҳайрихоҳлик ва ҳурмат билан муносабатда бўлиш каби хислатлар ётади. Таъкидлаш зарурки, этикет ўз моҳиятига кўра зарурий меъёр бўлиб, ҳар бир инсоннинг коммуникативлигида ташқи муносабатларни тартибга солувчи энг муҳим хулқ-атвор қоидалари йиғиндисини ўзида мужассам қилади. Бу коммуникатив муносабатлар асосида алоҳида ҳурмат ва инсонларнинг бир-бири учун илтифотли бўлишга интилиши ётади. Бунда этикет ҳар бир инсоннинг хулқ-атвори, одоби ва унинг ташқи қиёфасида намоён бўлади, бу эса, ўз навбатида, ахлоқий-ҳаётий меъёрларни белгилаб беради.

Ишда ахлоқий категорияларнинг педагогик моҳияти қуйидаги тарзда аниқлаштирилди: 1) маънавий-ахлоқий ҳаётда яхшилик ва ёмонлик (эзгулик ва ёвузлик)нинг етакчилик роли; 2) ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўқитувчи виждони; 3) ҳаётий (транцендентал) қадриятлар: ҳаёт,

соғлиқ, тинчлик, муҳаббат, бахт-саодат; 4) бўлажак ўқитувчи учун зарурий сифатлар – бурч, ахлоқий танлов эркинлиги, шунингдек, масъулият, адолат, инсон шаъни ва кадр-қиммати туйғуларининг устувор аҳамият касб этиши.


Ахлоқий тарбия жараёнида коммуникатив компетентлиликни шакллантириш қуйидаги интегратив таркибий қисмларни ҳисобга олишни талаб этади: 1) касбий фаолият ва унинг шакллари амалга оширишга лаёқатлилик; 2) шахсий муваффақиятга эришиш учун ўз салоҳиятини намоён этишга интилиш ва қобилиятлиликни акс эттирувчи интеграл хусусият; 3) жамиятда муваффақиятли фаолият юритиш малакаларини эгаллаганлик; 4) бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятни амалга оширишга тайёрлигини ифода этувчи шахс сифатлари тавсифи.

Тадқиқотларга таяниб, бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлиликни шакллантиришнинг қуйидаги мезонлари аниқлаштирилди: когнитив компонент (ахборот-коммуникатив мезон); 2) хулқ-атвор компоненти (регулятив-коммуникатив мезон); 3) эмоционал (аффектив-коммуникатив мезон).

Бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлилик шаклланганлигини аниқлашнинг қуйидаги даражалари белгилаб олинди: **паст** – касбий мулоқот соҳасидаги барча компетенциялар юзаки (формал) кўринишга эга бўлиб, амалий тавсифга эга эмас; диалогга асосланган муносабатларга маданияти тўлиқ шаклланмаган; инсонларнинг хулқ-атворини таҳлил этиш ва баҳолай олиш даражаси паст; самарали тинглаш, кузатувчанлик қобилиятини эгалламаганлиги самарали мулоқотга тўсқинлик қилади; бошқа кишилар билан коммуникатив алоқа ўрнатишда қийинчилик сезади; айрим ҳолатларда бошқа инсонларнинг кечинмаларига мутлақо бефарқ; коммуникатив мулоқот вазиятида ўз хатти-ҳаракатларини аниқ баҳолай олмайди; **ўрта** – касбий-педагогик мулоқотга оид компетенциялар эмпирик-вазиятли тавсифга эга бўлиб, умумий кўриниш касб этади; диалогга асосланган муносабатларга қодир, бироқ тўлиқ намоён этмайди; бошқа инсонлар хулқ-атворини фақат интуитив даражада фарқлай олади; самарали тинглаш, кузатувчанлик қобилияти ўрта даражада, бу эса янада самарали мулоқотга тўсқинлик қилади; мулоқотнинг мақбул усуллари танлай олиш лаёқатига эга; ўз хатти-ҳаракатини барча вазиятларда ҳам тўғри баҳолай олмайди; **юқори** – касбий-педагогик мулоқотга оид компетенцияларга эга, яхлит ва тизимли кўринишда намоён бўлади; диалогга асосланган муносабатлар маданияти шаклланган; бошқа инсонлар хулқ-атворини тўлиқ таҳлил этади ва баҳолайди; талабанинг тинглаш, кузатувчанлик қобилияти яхши ривожланган, бу эса самарали мулоқотга киришига тўлиқ имкон беради; талаба бошқа кишилар билан тезда алоқа ўрната олади; бошқаларнинг кечинмаларига шерик бўла олади; мулоқотнинг турли-туман вазиятларида ўз хатти-ҳаракатларини адекват баҳолашга қодир.

Инновацион таълим муҳити шароитида бўлажак ўқитувчининг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг интеграцион моделини ишлаб чиқишда қуйидаги назарий-методологик асосларга таянилди: назарий-методологик ёндашувлар: фаолиятга доир; функционал-антропологик; тизимли-диагностик; психологик-педагогик назария ва концепциялар: шахсга йўналтирилган ва ривожлантирувчи таълим назарияси; шахсий-инсонпарварлик ёндашувига асосланган таълим назарияси; ўқитувчи коммуникатив фаолиятининг асосий қонуниятлари, тамойиллари ва функцияларини акс

этирувчи концепциялар; инновацион таълим муҳити шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив салоҳиятини ривожлантиришнинг концептуал қоидалари; педагогнинг касбий-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг психологик ва ташкилий-педагогик шарт-шароитлари (1-расмга қаранг).



1-расм. Бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлиликни шакллантиришнинг интеграцион модели

Бўлажак ўқитувчи нафақат кўплаб касбий вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишга тайёр бўлиши керак, балки у ташкилий-бошқарув фаолиятини самарали амалга оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Шунингдек, тадқиқот жараёнида интегратив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлиликни шакллантиришнинг технологик модели ишлаб чиқилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал.

Интегратив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлиликни шакллантиришнинг технологик модели

№	Интегратив фанлар	Мавзулар	Коммуникатив компетенция элементлари	Интегратив шакл, метод ва воситалар
1.	Умумий педагогика (Педагогик маҳорат)	Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти. Ўқитувчи фаолиятида мулоқот маданияти ва психологияси.	Мулоқот ўрнатишга доир лаёқатлар: танқид ва ўз-ўзини танқид қила олиш; гуруҳда фаолият кўрсата олиш, ўзаро мулоқотга кириша олиш; ахлоқий қадриятларни тан олиш; турли халқлар маданиятларига ҳурмат билан қараш; бошқа йўналишда фаолият юритувчи экспертлар билан муносабатга кириша олиш. Тизимли лаёқат: билимларини амалда тизимли равишда қўллаш олиш; тадқиқот олиб бориш; янги шароитга мослашиш; ижод қилиш; лидерлик қобилиятини ривожлантира олиш; мустақил фаолият юритиш; тадбиркорлик ва янги ғояларни илгари суриш; масъулият; муваффақиятга эришиш мотивининг ривожланганлиги.	Интегратив иш шакли: индивидуал ва гуруҳий. Интегратив методлар: ўйин-техникаси, импровизация, ишбоп ўйин. Интегратив воситалар: матн, аудио ва видео материаллар
		Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқот. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ.	Жамоада шахслараро коммуникацияга кириша олиш кўникмалари, низоли вазиятларни бартараф этиш, коммуникатив эгиловчанлик, оператив фикрлаш, ностандарт ва оригинал қарорлар қабул қилиш қобилияти, шунингдек, мустаҳкам асаб тизимига эга бўлиш	
2.	Умумий психология	Мулоқот	Вербал ва невербал мулоқот воситаларини адекват қўллаш. Нутқнинг ҳиссиётга бойлиги, жозибали мулоқот кўринишлари, ўзига хос овоз, диалогга киришиш ва бошқариш, тил воситаларидан фойдаланиш.	Интегратив иш шакли: оммавий. Интегратив методлар: тренинг, ўйин, махсус методикалар. Интегратив воситалар: тарқатма материаллар ва махсус жихозлар
3.	Социология	Шахс социал муносабатлар маҳсули сифатида. Социализация жараёнлари.	Шахсда “МЕН” таълимотининг шаклланиши, қадриятлар ва умуммаданий компетенцияларнинг шаклланиши. Ижтимоийлашув, маданий меъёрларни сингдириш ва социал ролларни ўзлаштириш кўникмалари.	Интегратив иш шакли: мунозара ва дебат. Интегратив методлар: ижтимоий иш методлари, ижтимоий сўров таҳлили. Интегратив воситалар: статистик ва аналитик материаллар
		Социал муносабатлар	Социал муносабат турлари (ҳамфикрлик, ҳамкорлик, низо, бегоналашув, камситиш)ни тўғри таҳлил қилиш кўникмалари. Социал тизимларнинг муваффақиятли ишлашига эришиш учун ҳамфикрлик, барқарорлик ва ҳамкорликни тўғри ташкил қилиш кўникмалари	

Диссертациянинг **“Қасбий тайёргарлик жараёнида бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлиликни шакллантириш бўйича тажриба-синов ишлари”** номли учинчи бобида бўлажак ўқитувчининг коммуникатив компетенцияси диагностикаси (ташҳиси), тажриба-синов ишлари дастури ва бўлажак ўқитувчининг коммуникатив

компетентлилигини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини амалга ошириш методикаси баён қилинган.

Аниқлаштирувчи тажриба-синов ишлари жараёнида педагогик олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талабаларга хос қуйидаги мотивлар аниқланди: касбий ўсишга интилиш (97%); муқим ишлаш истаги (87%); ишни сидқидилдан бажариш (83%); ҳамкасбларининг яхши муносабати (70%); ўз меҳнатининг ижтимоий аҳамиятини англаш (67%); раҳбарият томонидан кўрсатил(ади)ган ҳурмат (57%).

Тажриба-синов ишлари жараёнида қуйидаги вазифаларни ҳал этишга эътибор қаратилди: ишчи фаразнинг тўғрилигини текшириш; бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлилигини шакллантиришга доир тавсияларнинг самарадорлигини текшириш; тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлилигини шакллантириш интеграцион моделининг мақсадга мувофиқлиги ва ишончлилигини текшириш; эҳтимолий камчиликларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида бартараф қилиш усуллари излаб топиш; бўлажак ўқитувчининг коммуникатив компетентлилиги даражасини тавсифловчи мезонлар самарадорлигини текшириш.

Тажриба-синовни ўтказишдан аввал бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлилиги тизимининг айрим элементларини текшириш учун эпизодик педагогик вазиятлар ташкил қилинди. Махсус ишлаб чиқилган педагогик тажриба-синов дастури ташкилий, диагностик ёки аниқлаштирувчи, шакллантирувчи ва якуний босқичлардан иборат яхлит тизимни ўзида акс эттирди.

Педагогик тажриба-синов ишларининг ташкилий босқичида бош танланма, яъни умумий талабалар орасидан репрезентатив тарзда назорат ва тажриба гуруҳлари ажратиб олинди. Танланмаларни саралашда тажриба-синов объектларининг умумий тавсифи (таълим йили, коммуникатив компетентлилик даражаси, ўқиш тили бўйича) бир хил эканлиги ҳисобга олинди. Бу иш қуйидагича йўллар билан амалга оширилди: 1) танланма ҳажмини аниқлаш; 2) унинг репрезентативлигини таъминлаш. Одатда, педагогик тадқиқотларда қўлланиладиган ишончлилик $\theta=0,95$ (95%) ва мутлақ (абсолют) хатолик $E=0,05=5\%$ танланди. Бўлажак ўқитувчиларнинг тайёргарлик сифати мезонлари, валидлик учта асосий (мотивацион-қадриятли, субъектив-фаолиятли, касбий-шахсий) даража бўйича аниқланди. Фарғона давлат университети, Андижон давлат университети ва Наманган давлат университетлари талабаларидан тажриба-синов (236 талаба) ва назорат (236 талаба) гуруҳлари шакллантирилиб, уларга “Педагогика”, “Психология”, “Социология” фанларидан машғулотлар олиб борилди. Мазкур ҳолатда танланма ҳажми 472 нафар респондентни ташкил этди. Фарқ шундаки, тажриба-синов гуруҳида иш тизимли тарзда, тадқиқот режаси асосида олиб борилди. Назорат гуруҳида эса иш спорадик (бўлажак ўқитувчиларнинг хоҳиш-истаклари) тарзда олиб борилди. Тажриба-синов гуруҳларида қуйидаги методик таъминот асосида машғулотлар ташкил этилди: 1) ролли ўйинлар; 2) “Бўлажак мутахассиснинг коммуникатив

компетентлигини ривожлантириш диалектикаси” махсус курси; 3) ёш мутахассиснинг коммуникатив компетентлилик харитаси; 4) бўлажак педагогнинг коммуникатив компетентлилик харитаси; 5) “Бўлажак ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги” факультатив курси; 6) “Мулоқот қилишга ўрганамиз” махсус семинар дастури; 7) “Бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетенцияни шакллантиришнинг диагностика таҳлили” муаллифлик ишланмаси мажмуи.

